Стратегик ва минтақалараро ... кутубхонаси

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 230 (10.535) / 2005 ЙИЛ 25 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** «Иттифоқ» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Бахтимиз Қомуси» деб номланди.

● **БУГУН** Ибн Сино номли маданият марказида «Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими ҳамкорлигида «Устозлар, шогирдлар ва санъат гулшани» мавзуида уюштирилган хотира кечасида элимизнинг ардоқли санъаткори Мукаррама Турғунбоева номи ёдга олинди.

● **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 90-мактабда туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Олмазор», Ғафур Ғулом, «Гулобод» маҳаллалари фаоллари иштирокида «Конституция — асосий Қомусимиз» мавзуида Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари, магистрлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Ўрта масжид» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Конституцион ҳуқуқларимиз» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Сергели тумангаз таъминот бўлимида ўтказилган «Мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори» мавзуидаги тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги 3-кутубхонада китобхонлар иштирокида «Соғлиғимиз — ўз қўлимизда» мавзуида ўтказилган адабий кеча Сиҳат-саломатлик йилига бағишланди.

● **КЕЧА** Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасаларидаги "Камолот" ЁИҲ етакчилари Кенгаши аъзолари иштирокида ўқув семинари ўтказилди.

● **КЕЧА** Миробод туман ўқувчилар ижодиёти марказида "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган "Саломатлик — туман бойлик" мавзуидаги расмлар кўргазмасида тўгараклар аъзолари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**





"Тошкентмебель" корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва турлари ортиб бормоқда.

**СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Турғун Орипов ва дастгоҳчи Шоасил Мансуров; Сирожиддин Юсупов ёш бўлишига қарамай, ўз ишини пухта бажарадиган мебелсозлардан ҳисобланади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИДА

**2005 йил 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини 2005 йил 2 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси 2006 йилги Давлат бюджетининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган лойиҳасини муҳокама этиб, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафхоновнинг маърузасини, шунингдек Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг шу масалага оид, қўмита раиси ўринбосари Э.Боқибоев томонидан тавсиф этиб берилган хулосасини тинглаб, Кенгаш Ўзбекистон Республикаси 2006 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Сенат ялпи мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қанча қонунларни, хусусан «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда бошқа қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Шу масалалар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш, Конституциявий суд ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг бир қанча мамлакатлардаги дипломатик вакилларини тайинлаш ҳамда вазифасидан озод қилиш масалаларини, шунингдек Олий Мажлис Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам сенаторлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

Кенгаш парламент юқори палатаси қўмиталарининг тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириб боришни Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

## ДЕЛЕГАЦИЯ ТАШРИФИ

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал йиғини Федерация кенгашининг МДҲ масалалари бўйича қўмитаси раиси В.Густов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб ва юксалиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг яқинда Москва шаҳрида ўтган учрашуви чоғида имзоланган ҳужжатлар бунда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар, шунингдек, парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари М.Сафоева билан учрашувда парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, икки палатали парламент фаолияти билан танишдилар.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Навоийда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори ижросини таъминлаш бўйича давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Андижондаги «Андполик» корхонаси ўзининг Новосибирскда очилган Савдо уйи орқали ишлаб чиқараётган маҳсулотлари экспортини кенгайтирмоқда. Жорий йилда Савдо уйида Сибирнинг қурилиш индустрияси учун олтита йирик шартномалар тузилди.**

● **Гулистон шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказида фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, туманлари ва шаҳарлари судьялари иштирокида минтақавий семинар ўтказилди.**

● **Тошкентда «Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ акциядорлик жамияти корпоротив облигацияларининг биринчи эмиссияси тақдимоти бўлиб ўтди.**

● **Сирдарё вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказида «Соғлом авлод учун» янги тўгараги очилди.**

### Жаҳонда

● **15 декабрь куни Ироқ Олий қонунчилик органи — Миллий Ассамблеяга ўтказиладиган сайловга тайёргарлик қизғин паллага кирди. Матбуот нашрларида номзодларнинг сайловолди мақолалари эълон қилинмоқда.**

● **Замбия Президенти Леви Мванаваса мамлакатда озиқ-овқат таназзули юзага келгани тўғрисида расман эълон қилди ва жаҳон ҳамжамиятига ёрдам сўраб мурожаат қилди.**

● **Ҳар икки мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари Хошияр Захари ва Таро Асо Япония Ироқнинг ўзига 6,1 миллиард АҚШ долларига тенг миқдордаги қарзидан кечганлиги тўғрисидаги протоколни имзолашди.**

● **Швейцариянинг Nestle компанияси Европа Иттифоқи бозорларида сотувга чиқарилган 50 миллион литр сутни қайтариб олмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу маҳсулотларга саломатлик учун хавфли бўлган кимёвий модда —босмахона бўёқлари аралашиб кетган.**

*Конституция куни олдидан*

# УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР — АМАЛДА

***Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.***

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.**

Давлат тараққиётида юксак малака, билим ва ақл-заковатга эга мутахассислар муҳим ўрин тутади. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Дастур мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, замон талабига мос ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантиришни, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида барча болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароит яратишни, ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришни кўзда тутади.

Ушбу ҳужжат қабул қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида юртимизда элликдан зиёд умумтаълим маскани барпо этилди, кўплаб мактаблар капитал реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирланди. Жумладан, дастурга кўра Тошкент шаҳрида ўтган йили 11 мактаб капитал таъмирланди, 18 мактабда жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Йигирмага яқин умумтаълим мактаби эса дастур якунигача янгидан қад ростлайди, юздан ортиқ мактаб капитал ва жорий таъмирланади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, янги қиёфа касб этаётган бундай мактаблар шу йил баҳорида ўтказилган мактаб жиҳозлари тендер-кўргазмасида ғолиб чиққан корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлангани эътиборга лойиқдир. «Иттифоқ» масъулияти чекланган жамиятининг меҳнат синфхонаси учун жиҳозлари, «Ҳисоблаш техникасига техник хизмат кўрсатиш ва созлаш» жамоа корхонасининг спорт жиҳозлари, «Эл-холдинг» масъулияти чекланган жамиятнинг 79 номдаги мебель ва ўқув лаборатория жиҳозлари, «Проминь Барака» қўшма корхонасининг мактаб мебеллари сифатлилиги, қулай ва бежиримлиги билан педагоглар ҳамда ўқувчилар эътиборига тушган.

— Мактабимиз биноси 1936 йилда қурилган, — дейди Собир Раҳимов туманидаги 11-мактаб директори Назира Раҳмонова. — Унда болаларнинг тўлақонли билим олиши учун етарли шароит йўқ эди. Негаки, бино жуда эскирган, синфхоналари етишмасди, спорт зали умуман йўқ эди. Мактабимизни реконструкция қилиш учун давлат томонидан 819 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозир мактабимиз ҳудуди икки баробар кенгайди, қўшимча бино, синфхоналари, спорт зали ва майдончаси қуриб фойдаланишга топширилди. Физика, кимё, биология кабинетлари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Энди бу ерда аввалгидан икки баробар кўп — олти юз нафардан зиёд бола таълим олмоқда. Замонавий спорт жиҳозларига эга залда кўплаб тўгаракалар фаолият кўрсатаётир. Ёшларнинг пухта билим олиши ва дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароит мавжуд.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз Конституциясида ўз ифодасини топган буюк ғоя — инсон манфаатларини амалга оширишга қаратилаётган улкан эътибор самараларидандир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Иқтисодиёт*

## ШИФОБАХШ ЧОЙЛАР

**"Нафис олам" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлаганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин корхонада тайёрланаётган шифобахш чойлар дармондориларга бойлиги билан инсон саломатлигини мустаҳкамлашда, турли хасталикларни даволаш ва олдини олишда фойдали ҳисобланади.**

Ушбу шифобахш чойларнинг ҳозирда наъматак мевасидан фойдаланиб тайёрланган 3 тури харидорларга тортиқ этилган бўлса, келгусида республикамизда ўсадиган доривор ўсимликлардан ана шундай маҳсулотларни кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

— Сертификатланган шифобахш чойларимиз 28 хил касалликка даво бўлади, — дейди корхона раҳбари, тадбиркор Равшан Исахонов. — Бугунги кунда эса яна 40 хилдан зиёд ўсимликлар устида иш олиб бораяпмиз ва йил охиригача яна 5-6 турдаги чойларни истеъмолчиларга тортиқ этиш ниятимиз бор. Маҳсулотларимизни 50 граммлик қоғоз қутиларда қадоқлаяпмиз. Бундан 5 литр чой тайёрлаш мумкин. Энг асосийси эса биз чойларни тоза, сараланган наъматак меваларидан фойдаланиб тайёрлаётганимиз боис сифатига кафолат берамиз.

Тадбиркорлар яқин кунларда Хитойдан янги ускуналар келтиришни мўлжаллашган. Айнан ана шу дастгоҳ асосида эса фильтрланган қоғозда 2 граммлик, яъни бир дамламлик шифобахш чойлар қадоқланади. Бу эса харидорлар учун янада қулайлик бўлади.

## ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР

**"Супромед" илмий ишлаб чиқариш фирмаси тадбиркорларининг айни кунлардаги асосий мақсадлари ўз изланишлари самараси бўлган замонавий тиббиёт жиҳоз ва ускуналарни четга олиб чиқиш, товарлар экспортини йўлга қўйишдир.**

Бунинг учун жорий йилда дастлабки қадамлар қўйилиб, Россия, Қозоғистон, Тожикистон давлатлари билан шартномалар тузишга ҳаракат қилинмоқда. Россия давлати билан маҳсулот етказиб бериш учун 20 минг долларлик шартнома ҳам имзоланган. Экспорт ҳажмини ошириш мақсадида тайёрланаётган тиббиёт жиҳозларининг замонавийлиги ва рақобатбардошлигига катта эътибор қаратилмоқда.

Фаолиятининг илк даврида корхонада асосан физиотерапия ускуналари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб уларнинг тури 30 га яқинлашиб, ташхис қўйиш ва жарроҳлик, тиббиётда қўлланиладиган бошқа жиҳозлари ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди. Четдан келтириладиган мана шундай жиҳозлардан 1,5-2 баробар арзон корхона маҳсулотларининг сифати ҳам, ишлатилиши ҳам улардан асло қолишмайди.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

# ЕНГИЛ САНОАТЧИЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ

**Мустақиллик йилларида барча соҳалар сингари, мамлакатимиз енгил саноатида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кейинги йилларда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналарда ички истеъмол бозорини тўлдириш, четга товар экспорт қилиш ҳажмини кенгайтириш мақсадида ип-газлама, тикувчилик-трикотаж маҳсулотларининг янги рақобатбардош турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.**

Жорий йилда республикамизда бир неча янги қўшма корхоналарнинг фаолият бошлагани тўқимачилик соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлди. Юксак унумли технологиялар асосида жиҳозланган бу корхоналарда минглаб кишилар доимий иш билан таъминланди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, асосий мақсад юртимизда етиштирилаётган пахта толасини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар турларини кўпайтиришдан иборат. Бу эса ўз навбатида замонавий енгил саноат корхоналари учун бугунги кун талабига мос кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва малакаларини ҳам мунтазам ошириб боришни тақозо этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ихтисослашган ўқув марказининг иш бошлаганини бу борадаги жиддий қадам бўлди дейиш мумкин. Мазкур марказ Германия ва Швейцариянинг «Shlafporst, Saurer Groоup» фирмалари гранти асосида замонавий йигирув дастгоҳлари билан таъминланган.

— Марказимизда тўқимачилик саноати соҳасидаги янгиликлар билан танишиш имкони мавжуд, — дейди мазкур институт табиий ва кимёвий толаларни йигириш кафедраси мудири, техника фанлари номзоди Сайфулло Матисмоилов. — Бу эса нафақат талабаларимиз, балки турдош институтларнинг профессор-ўқитувчилари, алоқадор касб-ҳунар коллежлари ходимлари ҳамда бакалавр ва магистрларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Марказ пахта хомашёсини тозалаш, титиш, тараш, пилталаш, ҳалқали ва пневмамеханик йигириш, қайта ўраш, калавани пишитиш ҳамда ҳавони чангдан тозалашга мўлжалланган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, тингловчиларга олган назарий билимларини амалиётда янада мустаҳкамлаш имконини беради.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**



*Ҳунари гўзаллар*

# ИШГА ИЖОДИЙ ЁНДОШИБ

**«Эрдон -сервис» масъулияти чекланган жамиятининг маҳсулотлари ўзининг юқори сифати, ташқи кўринишининг ўзиги хослиги билан алоҳида ажралиб туради.**

Корхонада фаолият кўрсатаётган Шамил Ассанов, Артём Монопьянц ва Юрий Зюзин ўз ишларига ижодий жиҳатдан ёндошишга ҳаракат қилишлари туфайли улар ишлаган ёритгичлар, ойнали тўсқичлар, мебеллар, ваннахона учун жавонлар ва рангли эшиклар ўзига хослиги ҳамда бетакрорлиги билан мижозлар эътиборини қозонмоқда. Ушбу қўли гул усталар шахсий буюртмалар бўйича ойнага ҳам табиат манзаралари ёки портретлар туширган ҳолда суратлар чизишлари мумкин. Албатта, ҳар бир шундай нозик буюртма устадан қунт, ҳафсала, ўткир кўз, манзарали ишлар устаси бўлиш ва доимо ўз маҳоратини ошириб боришни талаб этади. Бироқ, ойна ишлари устаси Юрий Зюзин таъкидлаганидек, «Энг муҳими буюртмачиларнинг ишингни яхши қабул қилиши, тайёрлаган буюмингдан ўзингнинг кўнглинг тўлишидир. Бу йўлда бутун вужудингни ишга солиб меҳнат қилсанг арзийди».

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: «Эрдон-сервис» МЧЖ усталари навбатдаги буюртмаларни бажармоқдалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

# ЎЗБЕК РАДИОСИНИНГ ҲИНД ТИНГЛОВЧИЛАРИ

**Пойтахтимиздаги Лаъл Баходир Шастри номидаги Ҳинд маданияти марказида Тошкент халқаро радиоси томонидан ҳинд тилидаги эшиттиришларнинг эфирга узатила бошлаганига 43 йил тўлиши муносабати билан тадбир ўтказилди.**

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда журналистлар, ҳиндшунос олимлар, ўзбек ва ҳинд санъаткорлари иштирок этди.

1962 йилнинг кузида «Тошкентдан гапираяпмиз» деган хитоб биринчи марта ҳинд тилида эфирга чиқди. Шундан буён ҳаво мавжларида ҳар куни бир соатлик ҳиндча эшиттиришлар янграмоқда.

Тошкент халқаро радиоси дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатидан хатлар олади. Улар орасида ҳиндистонлик мухлислар томонидан ёзилганлари ҳам анча экани ҳинд тингловчиларининг юртимизга қизиқиши юқорилигидан далолатдир.

Жумладан, Уттар-анчал штати Найнитал туманидан Шанкар Сингх Басера шундай ёзади: «Қизиқарли эшиттиришлар бериб бораётганингиз учун катта раҳмат. Мен сизнинг ажойиб мамлакатингиз ҳақида кўпроқ билишни истайман. Шунинг учун радиоприёмник ёнида ўтириб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳақидаги хабарларни тинглаш жуда мароқли».

Тадбирда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани, бунда Тошкент халқаро радиосининг ҳинд тилидаги эшиттиришларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидланди.

**ЎзА**

*Спорт*

# СПАРТАКИАДА БАҲСЛАРИ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

**Шаҳримиздаги «Динамо» спорт-соғломлаштириш жамиятида «Динамо» жамияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар жисмоний тарбия жамоалари ўртасида қўл жанги бўйича 14-спартакиада баҳслари бўлиб ўтди.**

Спартакиада мусобақаларида 65, 70, 75, 80, 85 килограммгача ва 85 килограммдан юқори вазнларда жами олтмишга яқин иштирокчи ғалаба учун кураш олиб борди.

Гиламдаги баҳслар кескин, муросасиз ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой тарзда ўтди. Зеро, ҳар бир спортчи ўз жамоасининг ғалаба қозониши йўлида бор куч-маҳорати ва имкониятларини сарф этди. Мухлислар эса қизиқарли беллашувларни мазза қилиб кузатиб, учрашувларни муддатидан олдин тугатган ва қизиқарли усулларни қўллаган қўл жанги усталарини олқишлаб турдилар.

Финал беллашувларида энг чаққон ва моҳир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар ўзаро рўбарў келишди. Ниҳоят кучлилар шоҳсупа тўридан ўрин олишди. Қуйида уларнинг номларини келтириб ўтамиз. 65 килограммгача вазнда Ш.Салимов /ИИВ академияси/, 70 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида М.Юсупов /МХХ/, кейинги вазн тоифасида Р.Саидбеков /шаҳар ИИББ/, 80 килограммлилар ўртасида Э.Зокиров /МХХ/, 85 килограммгача вазнда З.Содиқов /ТВВТУ/ ва мутлақ вазнда А.Ўраев /КОГГ/ ғолиблар сафини бошқаришди.

Умумжамоа ҳисобида Миллий хавфсизлик хизмати қўл жанги усталари биринчи ўринни эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорлар медаллар, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**





**СУРАТЛАРДА: спартакиада баҳсларидан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар.**

*Шифокор огоҳлантиради*

# ХАФАҚОН ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

**75 ёшли бемор кўп йиллардан бери касаллиги, кутилмаганда кучли бош, юрак оғриши, кўнгил айниши, кусишдан ва нафас олиши қийинлашишидан шикоят қилди. Зудлик билан беморнинг қон босими ўлчанди. Қон босими 280/180 мм. симоб устунига тенг эканлиги аниқланди.**

Беморга тезда биринчи интенсив (фаол) даво қилина бошланди. Натижада қон босими 180/140 мм.симоб устунига тенг бўлди. Шу ўринда қон босими (хафақон) нима ўзи деган савол туғилади.

Қон босими деб одам танасининг томирларида қон маълум бир куч билан оқишига айтилади. Қон босими иккита рақам билан белгиланади. Уларнинг бири юрак уришини (систолик) ва иккинчиси эса юрак уришининг танаффус пайтдаги (диастолик) босимини билдиради. Хафақонга олиб келувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ирсий хафақонлик, яъни бу авлоддан авлодга ўтади. Иккинчидан, кучли асаб бузилишидан кейин. Учинчидан, баъзи буйрак касалликларидан кейин. Тўртинчидан, қандли диабетда ва бешинчидан семизликдан. Булардан ташқари, кўпинча хафақон номаълум сабабларга кўра ҳосил бўлади.

Хафақоннинг бошланиши, кечиши ҳар бир одамда ўзгача бўлади. Табобатнинг буюк олими Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда, иссиқ хафақонлик ва совуқ хафақонлик бўлади. Шу сабабдан, уларнинг клиник кечиши ҳам ҳар хил бўлади.

Баъзан одамлар ўзларида кузатилаётган бош оғриши, айланиши ва тезда чарчаш ҳолатини қон босими кўтарилиши деб тушунадилар. Бундай ҳолатлар кўпинча тушкунликка тушганда, мушаклар зўриққанда, камқонлик ва бошқа пайтларда кузатилиши мумкин. Хафақон касаллигини ўз вақтида даволамаса, кузатув остида бўлмаса ҳаёт учун хавфли бўлган асоратлар: инсульт, миокард инфаркти, буйрак фаолиятининг бузилиши кузатилади. Булардан ташқари қон томирлари ҳам зарар кўради. Хафақон касаллигидан бутунлай соғайиб кетиш инсоннинг ўзига боғлиқ бўлади.

Аксарият беморлар тушкунликка тушиб давони ҳам бузиб юборади. Натижада ёмон оқибатлар келиб чиқади.

Шунинг учун бемор ўзининг доим ишчи қон босимини билиши учун шифокорга мурожаат қилиб туриши даркор. Қон босимини ўлчаш тез амалга ошадиган муолажа ҳисобланади. Бунда "Тонометр" деган асбобдан фойдаланилади. Агарда қон босими 140/90 мм.симоб устунидан баланд бўлса, шифокор томонидан керакли дори-дармонлар ёзиб берилиши лозим. Шунингдек, парҳезга риоя қилиш даркор. Бундан ташқари, бадантарбия ва спорт машғулотлари тавсия этилади.

Қуйидаги тавсиялар амалда қўлланилса ёки бажарилса, нур устига аъло нур бўлади:

— истеъмол қилинаётган овқатларда туз миқдорини камайтириш;

— таом тайёрлашда фақат ўсимлик ёғларидан фойдаланиш;

— спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик;

— мева-сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш;

— асабийлашишдан сақланиш ва ортиқча жисмоний иш қилмаслик;

— озишга ҳаракат қилиш;

— жисмоний тарбия ва спорт машқларини бажаришни канда қилмаслик;

— очиқ ҳавода кўпроқ сайр қилиш;

— чекишни ташлаш.

Юқорида қайд этилган тавсиялар билан дори-дармонларни бирга олиб борилса албатта самараси яхши бўлади. Дори-дармонларни ҳар куни канда қилмасдан қабул қилиш лозим. Чунки бир кун қабул қилиб, иккинчи куни қабул қилмаса нафи кам бўлади. Соғлом бўлай десангиз, албатта ушбу тавсияларга амал қилинг.

**Зайниддин НОРМАН, тиббиёт фанлари номзоди.**

*Ҳар тўғрида*

## ҲАМОН БИРИНЧИ

Энергия ресурсларини истеъмол қилиш жиҳатидан АҚШ ҳамон жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Маълумотларга кўра Қўшма Штатлар 1 миллиард 941 миллион тонна нефтга тенг келадиган энергия ресурсларидан фойдаланган. Иккинчи ўринда турувчи Россияда бу кўрсаткич 1 миллиард 397 миллион тоннани ташкил этган. Хитой 727, Япония 400, ГФР 267, Канада 252, Буюк Британия 208, Франция 197, Италия 151 миллион тонна нефтга тенг энергия ресурсларини ишлатган.

## УЗОҚ УМР КЎРАЙ ДЕСАНГИЗ

Узоқ умр кўрай десангиз тезроқ оила қуринг, деб маслаҳат беришади кубаликлар.

Танҳолик алкогол ёки тамакидан ҳам вақтлироқ «нобуд қилади» кишини, деб ҳисоблашади улар. Бу ерда ўтказилган сўров натижалари шундан далолат бердики, аҳолининг аксарият кўпчилиги танҳоликдан кўра ёмон компанияда бўлиш яхшироқдир, деб қатъий ишонадилар.

## ҲАВО МУСАФФОЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Лондон ҳукуматининг бепарволиги шунга олиб келдики, ҳозирги вақтда Британия ороллари узра ҳаво ниҳоятда булғаниши британияликларнинг бешдан бир қисми саломатлигини хавф остига қўймоқда.

«Замин дўстлари» ташкилоти эълон қилган «Саломатлик ва ҳаво булғаниши» деган маълумотномада ана шу сўз киритилган.

Маълумотномада таъкидланишича, Буюк Британияда ҳаво булғаниши Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган меъёрдан доимо юқори бўлади. Айниқса, бу кекса ёшдаги кишилар, ёш болалар, юрак ва нафас олиш йўллари касаллигига чалинган беморлар учун ниҳоятда хавфлидир.

Маълумотнома муаллифлари ҳукуматга мурожаат қилиб, ҳаво булғанишининг йўл қўйилиши мумкин бўлган қаттиқ меъёрларини соф ҳаво учун кураш олиб боришга, ҳаво булғанишининг мумкин бўлган даражасидан ошиб кетган бўлса, ҳар сафар бонг уришга даъват этдилар.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР
ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*2005 йил 3 ноябрдан*

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

**«ЮЛДУЗЛАР ПАРАДИ»**

**цирк дастурида супер шоу**
**Ирина Аллегрова**
**Темир йўллар қироличаси**
**Вагон кузатувчиси**
**ВЕРКА СЕРДЮЧКА**
**А.Пугачёванинг қиёфадошлар шоуси танловининг совриндорлари**
**Дастур директори Пётр Поминчук**

*Томошалар: 26, 27 ноябрда 15.00да.*

*Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.*

*Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.*

*Касса соат 9.00 дан ишлайди.*

*Маълумот учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.*

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

*2004 йилдан бошлаб 2005 йилнинг ўтган даври мобайнида Давлат мулки қўмитасида "Ишонч телефони" ўрнатилиб, унинг фаолияти ташкиллаштирилганлигини эслатамиз.*

*Сиз 139-21-37 телефони орқали Давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишда, давлат активларини ва мулкларини сотиш жараёнларида Давлат мулки қўмитаси тизими ва ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, Сизга нисбатан бюрократизм, расмиятчилик ва сансалорлик ҳолатлари юзасидан маълумот бериб боришингиз мумкин. Маълумотларнинг анонимлиги ва сирлиги кафолатланади.*

*"Ишонч телефони" ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

● Сўзинг тўғри бўлса ҳам жоҳил, нодонларга сукут билан қарши туриш ҳикматга мувофиқдир... «Сукут — нодонга жавобдир» — деган сўзни бежиз айтмаганлар.

● Нодонлар сўзига кирма, кейин пушаймон қиласан.

● Инсоннинг энг зўр ёрдамчиси ўзининг ақлидир.

● Инсон иш билан машғул бўлса, ҳеч зерикмайди ва чарчамайди.

● Тавозенинг маъноси ўзини камтар тутишдир, тавозени ўзига пеша қилиб олган одам улуғ даража ва мартабага эришади.

● Ҳинд донишмандларидан бири айтади:

— Олимлар билан суҳбатдош бўлган, оқил-донолар билан иш олиб борган, ёмонлардан йироқлашган одамнинг мурод-мақсади ҳосил бўлади. Бировдан айб излаб ўз айбини кўрмаслик аблаҳлик белгисидир.

● Таниш бўлган ёки озгина бўлса ҳам хизмат кўрсатган кишининг ҳақини риоя қилиш лозимдир. Олижаноб киши ўз лутф-карамига таяниб у кишининг танишлигини ёки озгина хизматини кўп деб билиб, марҳаматини аямайди.

**Ҳикоят:** бир киши бировнинг уйини ижарага олиб, бир неча вақт ўша ерда ижарага яшади. Кунлардан бир куни у киши ўзи яшаган жойдан чиқиб бошқа бир вилоятга борди. У вилоят хукмдорларига манзур бўлиб, вазирлик мансабига эга бўлди.

Уй эгаси уйида ижарага ўтирган кишининг вазир бўлганини билиб, ёрдам олиш умиди билан вазир турган вилоятга кетди. Вазирнинг маҳкамасига келиб, ичкари киришни истаган эди, эшик ёнида турган хизматчи қоровул тўсиқлик қилиб ундан:

— Сен қандай кишисан? Ҳеч кимга илтифот қилмай вазир ҳузурига киришни истайсан? — деб койиди. Уй эгаси айтди:

— Мен вазирнинг ошнасидурман, шунинг учун шундай сурбетликка қадам қўйдим.

— Вазир билан қандай ошнолиғинг бор? — деб сўради қоровул. Уй эгаси:

— Вазир бир вақт менинг уйимда ижарага ўтирган эди, энди ундан ёрдам сўраб келдим. Мени муҳтожлик тубанлигидан иззат-ҳурмат баландлигига кўтаради деб умид этаман, — деди.

Қоровул уй эгасини сўзларини эшитгач, хохолаб кулиб айтди:

— Эй бечора одам, нодон киши экансан, уйимда ижарага ўтиргани учун вазирда ҳаққим бор, деб бўлмағур нарсани баҳона қилибсан, узоқ ердан кўп машаққат чекиб келибсан, бор уйингга қайт, таъмагир бўлиб юрма.

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## САВОБНИ ПУЛГА СОТМАЙМАН

Зарурат туфайли Фарғонага боришимизга тўғри келди. Эрталаб чор-ночор водий томон қатнайдиган шахсий машиналар турадиган жойга келдик. Ҳайдовчи билан йўлкира ҳақини келиша туриб, бу ёқда ишимиз кўплигини, бир юмуш билан иложсиз Фарғонага кетаётганлигимизни айтдик.

— Агар бирон кишига айтадиган гапингиз бўлса, манзилини аниқ билсангиз, айтинг, ўша одамга илтимосингизни ўзим етказиб қўяман. У ёқ бу ёққа йўлкира тўлаб бекорга овора бўлиб юрасизми, —деди ҳайдовчи ҳайрихоҳлик билдириб.

Ўйлаб турсак, шуниси маъқул кўринди. Бир оғиз сўз, арзимас ишни битириш учун шунча йўл босиб бориб келишнинг ўзи бўладими? Лекин нотаниш одам бошқа юмушлар билан овора бўлиб кетиб, бизнинг илтимосимизни унутиб қўймасмикан, балки кейинчалик малол келиб холис хизматдан қочар?

— Менга қаранг, ҳеч қандай хаёлларга борманг, ишонмасангиз ана машинамнинг давлат белгиси рақамини ёзиб олинг. Мен ҳар икки кунда Тошкентда бўламан. Яхшиси ўша учрашадиган одамингизга хат ёзиб беринг, мен етказиб бераман.

Шундай қилдик. Дарҳол шу ернинг ўзида мактуб ёзиб ҳожатбарор ҳайдовчининг қўлига тутдик. Унга керакли одамнинг манзилини ёзиб бердик.

Ишимиз осон битганидан енгил тортиб ишхонага қайтсақда, негадир бизда бутунлай эттиёт бегона ҳайдовчи мактубимизни эгасига етказармикан, деган ҳадик бор эди.

Орадан икки кун ўтиб ишхонадаги телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсак, ундан нотаниш овоз эшитилди.

— Алло, мени таниясизми?

— Сал танимайроқ турибман.

— Мен Фарғонага хат жўнатганингиз — ҳайдовчи йигитман.

— Э ҳа, Одилжонмисиз? Нима гап, топдингизми, биз йўқлаган одамни?

— Топдим, ишингиз битди. У киши ҳам сизга хат бериб юбордилар. Ҳозир вокзалдаги тўхташ жойидаман. Келсангиз омонатингизни ўзингизга топшираман. Ё олиб бориб берайми?

— Йўқ, раҳмат. Ҳозир ўзим етиб бораман.

Одилжон билан қадрдонлардек кўришдик. У олиб келган мактубни қўлимизга тутқазди. Очиб ўқидик. Унда шундай сатрлар ёзилганди. «Хатингизни олдим. Сизга берган ваъдамни бажардим. Натижасини яқинда биласиз. Салом билан дўстингиз Йўлдошали».

Ҳайдовчига қандай миннатдорчилик билдиришни билмай қолдик. Ҳар қалай йўлкира, оворагарчилик, бензин ҳақи деб қўлига уч минг сўм тутқаздик.

У биздан астойдил хафа бўлди.

— Қўйинг ака, — деди пулни қайтариб. — Мен савобни пулга сотмайман.

Ҳайдовчига уй манзилимизни ёзиб бердик.

— Узоқ йўл, вақт-бевақт келиб қолсангиз бемалол бизникига бораверинг. Эшигимиз сиз учун ҳамиша очиқ, — дедик у билан хайрлаша туриб.

## ҚИНҒИР ГАПНИНГ ҚИЙИҒИ

Бир дўстимизнинг кўзининг оқу қораси, якка-ю ягона ўғли узоқ йиллар фарзанд кўрмади. У билан қачон учрашмайлик, шу ҳақда ўксиб гапирарди. Биз эса унга сабр-бардош тилардик. Кейин кўнглини кўтариш учун балки, айб келиндадир, ўғлинг бошқасига уйланса кўрмагандек бўлиб кетар, қабилида гап қилардик. Шунда у:

—Келиним бечора яхшида. Бунинг устига ўғлим билан аҳил, севиб турмуш қуришган. Шундай ширин сўз, хушмуомала аёл билан ажралишнинг ўзи бўладими? Қайси юз билан унга «Кет» деб айтасан, — дерди.

Бир куни у оғзи қулоғида, келини оғир оёқли бўлганлигини айтиб қолди. Биз қадрдонлар уни чин дилдан табрикладик. Ўзимизча ҳали туғилмаган болага исм ҳам тайёрлаб қўйдик. Вақт-соат ўтиб келиннинг кўзи ёриди. Жажжи ўғил — чақалоқнинг овози хонадонга файз киритиб юборди. Дўстимиз бир куни яхши ният билан чақалоққа ақиқа қилаётганлигини айтиб бизни маросимга таклиф этди.

Ўша куни эрталаб бир ҳовли одам йиғилдик. Ҳамма тўплангач давра тўридан жой олган домла Қуръони фотиҳа билан ақиқа маросимини бошлаб юборди. У ибратли гапларни айтди. Ҳаммамиз берилиб тингладик. Маърузадан ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчидан тортиб, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчигача ўрин олди. Кейин мавзу ҳалоллик ва меҳр-оқибатга ўтди. Ўтирганларга манзур бўладиган мисоллар келтирилди. Айниқса ҳалоллик ҳақидаги гаплар ҳамма учун ибратли, керакли гаплар эди. Уни тинглаган ҳар қандай ақли ножоиз одам ҳам ҳаром нима-ю ҳалоллик нима эканлигини тушуниб етар, билиб-билмай ноҳалол ўтган кунларидан афсусланарди.

Маросим тугади. Ақиқа ўтказаётган дўстимиз «Домлага қанча берсам экан» деб биздан сўраб қолди.

— Атаганингни дилингдан чиқариб бераверасанда. Ҳалоллик ҳақида ибратли гапларни айтиб одамларни лол қолдирган одам сенга унча бер бунча бер деб ўтирармиди, — дедик.

Дўстимиз домлага ният қилиб тўн кийгизди.

Кейин «ирими» деб қўлига атаганини тутқазди. Домла миннатдорчилик билдириб юзига фотиҳа тортди. Хайр-хўшлашиб маросим эгалари томонидан тайёрлаб қўйилган машинага ўтириб жўнаб кетди.

Оғизга элак тутиб бўлмас экан. Ими-жимида бўлса-да айтилган гап барибир бир куни қулоққа етиб келар экан. Кейин эшитсак домла ўша куни «кам берди» деб дўстимиздан бировга нолиб гапирган эмиш. Бу гапни эшитиб ҳайрон бўлдик. Наҳотки ҳалоллик ҳақида гапириб ҳаммани лол қолдирган одам ўз айтганига ўзи амал қилмаса?

## ЁШЛИК ОЛТИН— УНИ АСРАНГ

Ёшлар одоби ҳақида кўп гапирамиз. Турли мисоллар келтирамиз. Одобсиз ёшлардан нолиб, катталарга ҳурмат ва эътиборда бўлганларни алқиймиз. Донолар ҳам ёшлик ҳақида, уни авайлаб-асраш, қадрига етиш хусусида кўп ибратли гапларни айтиб ўтишган.

Бир куни Луқмони Ҳакимдан: — Насиҳатларингизнинг кўпи ёшларга оид бўлади, аммо ёши катталарга камроқ айтасиз, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар.

Луқмони Ҳаким шундай жавоб берди.

— Боғбон ерни юмшатиб бир дарахт кўчатини ўтқазиб, унинг атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керакли бўлган вақтда сув бериб турса, умуман, яхши диққат қилиб тарбияласа, тез вақтда дарахт вояга етади, унумли, серҳосил бўлади. Болани ҳам ёшлигидан бошлаб яхшилаб тарбия қилинса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса, у бола ўзига, ота-онасига бахт-саодат келтиради, жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун мен ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман, насиҳатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлади.

— Ҳозир сизга ёшлар ҳақида сўз берилса яна нималарни айтган бўлардингиз? — деб сўраганларида у:

— Нафсинг йўлига юрма, қаноатли бўл, ўзингда бўлмаган сифатларни айтиб сени мақтаган киши сўзларига алданма. Йўлдошларинг билан низолашма, ҳеч кимни ўзингдан паст кўрма.Сирингни ошкор этма, мол-дунёингга мағрур бўлма, ҳар кимга очиқ юз, ширин сўзлик билан муомала қил. Ёшлигингни асра. Дунёда ундан яхши нарса йўқ. Ёшлигингни худди олтин каби истаган нарсага ишлатишинг мумкин. Туғилишданоқ парвозга шай бўлиш дунёдаги энг олий бахтдир,—деб айтган бўлардим.

Ўйлаймизки, бу сўзларга изоҳнинг ҳожати йўқ.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

### 26 НОЯБРЬ, ШАНБА

**Кечаси ва эрталаб ҳеч бир сабабсиз кайфият гоҳ кўтарилиб, гоҳ кескин тушиб кетиши, кутилмаганда жаҳолатга мойиллик ҳис этилиши кузатилади. Ой сайёрасининг соат 02.11 дан эрталаб 08.59 гача йўналишсиз ҳолатда бўлиши бунга сабаб бўлади. Шу вақт оралиғида гавжум жойларда бўлмаганингиз маъқул.**

Аммо кечга яқин бемалол бирон жойга меҳмонга ёки театрга, концерт ёхуд кинофильм томошасига боришингиз мумкин. Уйингизга меҳмонларни таклиф этсангиз ҳам бўлаверади. Ойнинг ҳамда кундузги Ой кувватларининг Тарозу буржида бирлашиши шундан далолат беради.

Мунажжим С.Ильичёв эса эрталаб уйдан чиқаётганингизда шамол йўналишига эътибор қилишингизни таклиф этади. Агар шамол орқангиздан урилаётган бўлса, дейди у, йўлингизда давом этинг. Мабодо, шамол қаршингиздан эсаётган бўлса, бирпас тўхтаб, мўжаллаган ишингизни бошлашингиз қандай бўлишини ўйлаб кўринг – ахир қилган режаларингиз нотўғри бўлиши ҳам мумкин-да.

Пешоб йўллари бугун заифлашган ҳолатда бўлиб, шамоллашдан ўзингизни эҳтиёт қилишингиз керак.

### 27 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

**Мунажжимларимиз бугун таваккал қилмаслик, ҳамма соҳада эҳтиёткор бўлиб, саломатлигингизни асрашга алоҳида эътибор қилишингизни маслаҳат беришади.**

Мунажжим Лина Неведомская бугунги якшанба астрологик жиҳатдан кўпроқ кечаги кунга ўхшаб кетишини таъкидлаб, мулоқотлар ва тадбирлар кўпчилик эътиборини тортишини айтади. Юлдузлар жойлашиши ҳар қандай бўлишига қарамай, ўз билганидан қолмайдиганларга эса, у оғизларига талқон солиб, ўзлари гапирганидан кўра кўпроқ бошқалар гапини тинглашларини тавсия этади.

Ранги ўчиб кетган, яшилликка мойил рангларга устуворлик беринг. Оқ-қора ранг аралаш кийимлар, шунингдек, қизил либослардан воз кечинг.

Бошлиқлар, жуда ғайратли кишилар билан учрашиш, худбинлик ва шухратпарастликни намоён этиш, саломатлигингизнинг тўсатдан ёмонлашишидан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

### 28 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

**Икки кунлик дам олишдан кейин кўпчилик бугун ўзининг куч-ғайратга тўлганини ҳис этади, уларнинг иш қобилиятлари ортиб, иштаҳа билан ишга киришишади. Мунажжимлар бундай ҳолатдан фойдаланиб қаттиқ меҳнат қилишни тавсия этишади. Зеро, бугунги муваффақият ва омадингиз ғайрат билан қилинган меҳнатга боғлиқ бўлади.**

Бугун Ой сайёраси узоқ вақт (соат 06.39 дан 18.23 гача) йўналишсиз ҳолатда бўлиши муносабати билан ўз истак ва эҳтиросларингизни жиловлаб туришингизга тўғри келади. Акс ҳолда ёқимсиз ҳолатга тушиб қолиш ҳеч гапмас.

Юрак-қон томир тизими хасталикларидан азият чекувчилар ортиқча эҳтирослар ва жисмоний оғир ишлардан тийилишлари керак. Шунингдек уларга самолётларда учиш тавсия этилмайди.

Бугун кўтаринки кайфиятда бўлиш, яхши режалар тузиш, фақат яхши нарсалар ҳақида ўйлашни маслаҳат берамиз. Зеро, бугунги тузилган режалар амалга ошиш учун юз фоизлик имконият бўлади. Бирон ҳунарни эгаллашга интилиш, харидлар қилиш, бирон жойга кўчиб ўтиш, уй қурилишини ёки уни таъмирлаш ишларини бошлаб юбориш фойдали бўлади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 2495 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-108.

1 2 3 4 6